



2



ИЧКИ
ИШЛАР
ВАЗИРИ
БИЛАН
СУХБАТ

4



МЕН ВАТАННИ ҚАНЧАЛИК
СЕВДИМ?

5



ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ
ҚАФОЛАТИ ЯНАДА
КУЧАЙТИРИЛДИ

7



№ 28
2020-yil, 19-avgust
Chorshanba (32.622)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ХОРИЖДА МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

● Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида йилига 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қарерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган.

● Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайди. Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

● Худудлардаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бу филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланади.

● Шунингдек, чет эллардаги меҳнат миграциясига оид тартиб-таомилларни фуқароларимиз учун енгиллаштириш, юрtdошларимиз кўп ишлайдиган шаҳарларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш бўйича топшириқлар берилди. Хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу бўйича онлайн платформа ва "кол-марказ" ташкил этиб, малакали адвокатларни жалб қилиш вазифалари кўйилди.

● Меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини суғурталаш учун Хориждаги фуқароларни ҳимоя қилиш жамғармасидан маблағ ажратилади.



● Мутасаддиларга хорижий давлатлардаги йирик иш берувчилар билан музокара ўтказиб, ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва суғурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратилади.



Тедрос Гебрейесус,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари

Коронавирусга қарши курашда «умид учқунлари» пайдо бўлган

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Тедрос Гебрейесус маълум қилди. Ҳозир дунёда коронавирусга чалинганлар 22 миллионга, қурбонлар эса 780 мингга яқинлашмоқда.

«Кўпчилигингиз қайғуда эканингизни ва бу дунё учун қийин вақт эканини биламан. Бироқ мен ойдинлик киритишни истайман: умид учқунлари бор ва мамлакат, минтақа, шаҳар ёки посёлка қарерда жойлашганидан қатъи назар, COVID-19 тарқалишининг олдини олиш ҳеч қачон кеч эмас», дейди Гебрейесус.

Унинг сўзларига кўра, Янги Зеландия коронавирусга қарши қандай курашиш лозимлиги борасида дунёга намуна бўлган. Мамлакат ичида коронавирус билан янги касалланиш ҳолатлари 100 кундан буён қайд этилмапти.

ЖССТ раҳбари барча давлатлар етакчиларини ҳаракат қилишга, фуқароларни эса янги чеклов чораларига риоя қилишга қақирган.



Рустам ИКРОМОВ,
Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси

Мактаб ва боғчалар очилишига тайёргарлик кўрилмоқда

«Мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида ўз фарзандларимиз таълим олишади. Бу масалада эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар кўп. Ишлаб чиқилаётган тадбирлар шунчаки ҳисобот учун эмас, балки фарзандларимизни ижтимоий ҳаётга тезроқ қайтариш, карантин шароитида уларнинг руҳиятида кузатилган ўзгаришларни бартараф қилиш, улар қатнай-диган муассасаларда коронавирус тарқалишига имкон қадар тўсқинлик қилишга қаратилган чоралар белгиланиши лозим.

Айни кунларда Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасаларида амал қилувчи санитария меъёрлари ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур меъёрлар Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда барча томонидан бажарилиши бирдек мажбурийлиги белгилаб қўйилади.

Шундан кейин мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларига фаолиятини бошлаш учун рұхсат берилди».

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛанади

2020 йилда тажриба тариқасида

Манба: ПҚ-4804, П.08.2020 й. @huquqiyxborot

Ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринлари яратиб берилган тадбиркорларга қуйидаги шартларда микрокредитлар ажратилади:

- ҳар бир яратилаётган иш ўрни учун БҲМнинг 25 бараваригача, бироқ бир тадбиркор учун жами БҲМнинг 500 бараваридан ошмаган миқдорда
- 3 йил муддатга бир йиллик имтиёзли давр билан
- Марказий банкнинг асосий ставкасида
- яратилган иш ўрнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг камида бир йил ишлаш шarti билан

Ишга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри шакллантирилади ва реестрга киритилган шахсларни буш иш ўринларига жойлаштиришга кўмаклашилади

Тадбиркорларга иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади

Касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, кам таъминланган ва меҳнат мигрантлари оилаларининг аъзолари, ногиронлиги бўлган шахсларни бепул ўқитиш курслари ташкил этилади

Хорижий мамлакатларга ишлаш учун кетаётган ва "labor-migration" дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни ўқитиш ташкил этиш мақсадида ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда БҲМнинг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратилади

Россия Федерациясида фаолият юритаётган меҳнат мигрантларини ўқитиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

"COVID-19" касаллигига чалинган **35927** нафар беморнинг қайд этилиши ва соғайганлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар жадвали

2020 йил 17 август, соат 23:30 ҳолатига

| Ҳудудлар | Қайд этилиши | Соғайганлар | Фоида | В.э |
|-----------------------|--------------|--------------|------------|------------|
| Қорақалпоғистон Респ. | 439 | 401 | 91% | 5 |
| Андижон вилояти | 1148 | 1103 | 96% | 2 |
| Бухоро вилояти | 1014 | 932 | 92% | 8 |
| Жиззах вилояти | 147 | 132 | 90% | 6 |
| Қашқадарё вилояти | 880 | 854 | 97% | 8 |
| Навоий вилояти | 493 | 470 | 95% | 6 |
| Наманган вилояти | 825 | 780 | 95% | 5 |
| Самарқанд вилояти | 1497 | 1319 | 88% | 3 |
| Сирдарё вилояти | 739 | 708 | 96% | 2 |
| Сурхондарё вилояти | 578 | 545 | 94% | 6 |
| Фарғона вилояти | 310 | 304 | 98% | 1 |
| Хоразм вилояти | 439 | 414 | 94% | 1 |
| Тошкент вилояти | 5627 | 5039 | 90% | 28 |
| Тошкент шаҳри | 21791 | 18579 | 85% | 157 |
| Жами: | 35927 | 31580 | 88% | 238 |

Иқтисодиётни қайтадан жонлантириш, одамларнинг руҳиятини кўтариш зарур.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

КАРАНТИН ЮМШАТИЛДИ, БЕКОР ҚИЛИНГАН ИҲК



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда видеомулоқот дастури орқали республикамизнинг барча ҳудудларидан 300 нафарга яқин депутат, сенатор ва партия фаоллари иштирок этди.

Йиғилишда пандемия даврида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шунингдек, карантин тартиби боққичма-боққич юмшатилиши жараёнида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг

асосий вазифаларини белгилаб олиш масаласи муҳокама этилди. Қўшма йиғилишни ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов очиб берди. У жорий йил "Сен – қудрат ман-

баи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!" шiori остида нишонланадиган энг улуг, энг азиз байрам – мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги билан барчани табриклади. Бу байрам халқимизни синови куларда янада жипслаштириш, қийинчиликларни енгиб, ютуқлар сари интилиш ҳиссини мустаҳкамлашда ҳар биримизга улкан руҳий куч-қудрат беришини айтди.

Шундан сўнг пандемия даврида ҳудудий партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлик бирлашмалари, жумладан, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар таҳлил қилинди.

— 15 августдан бошлаб ҳаёт аста-секин изга туша бошлайди. Иқтисодиётни қайтадан жонлантириш, одамларнинг руҳиятини кўтариш зарур. Шу билан бирга

юзага келадиган муаммоларни тез фурсатда ва ҳамжиҳатликда ҳал этиш қайси соҳада ишлаётганимиздан қатъи назар, зиммамизга катта масъулият юклайди, деди партия етакчиси У.Иноятов.

Пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўтиш жараёни барчамиздан янада бирдам бўлиш, белгиланган тартибларга риоя этишни талаб этади. Таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам ўз самарасини бермасдан қолмайди. Халқ демократик партияси бу муҳим жараёнда 400 нафардан кўпроқ ходими, 1700 нафарга яқин депутати ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги минглаб фаоллари билан бирга ҳамфикр, ҳамжиҳатликда иштирок этади.

Партиянинг парламентдаги фракцияси бир қанча қонунчилик ташаббуслари, жумладан, "яшаш минимуми", "истеъмом саватчаси" ва "камбағаллик даражаси" тушунчаларини қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича тайёрлаб, ҳукуматга киритилган "Яшаш минимуми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича ишларни давом эттиради. Чунки бу электрот манфаатларини тизимли ҳимоя қилиш, бу борада муҳим ҳуқуқий асосни яратишда партия учун принципиал аҳамиятга эга масала.

Парламент аъзолари, партия маҳаллий кенгашлари раҳбарлари қўшма йиғилишда кўтарилган масалалар бўйича ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. Шулар асосида қуйидаги вазифалар белгиланди.

Биринчи вазифа: эҳтиёжманд оилалар аъзолари ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари ва имтиёзларидан фойдаланиши учун амалий ёрдам кўрсатилади.

Иккинчи вазифа: жамоат ишлари жамғармаси маблағлари

ҳисобидан ташкил қилинаётган иш ўринлари, уларга ишга жойлашганлар ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлиги, қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш учун ажратилган субсидияларнинг мақсадли сарфланиши бўйича депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Учинчи вазифа: депутатлар ва партия фаоллари "Саховат ва кўмак" хайрия тадбирларини давом эттириб, электрот вакилларига озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари етказилишида фаол иштирок этади.

Тўртинчи вазифа: аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш учун нақд пул шаклида берилаётган бюджет маблағлари ўз эгаларига етиб бориши бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.


Бешинчи вазифа: оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали пандемия давридаги тартиб-қоидалар, жойларда юзага келган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тарғибот, тушунтириш давом эттирилади.

Олтинчи вазифа: карантин тартиби боққичма-боққич юмшатилиши жараёнида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муассасаларида санитария талабларига риоя этилиши, беморларга керакки тиббий ёрдам кўрсатилиши доимий ўрганилиб, зарур ҳолларда мутасаддиларнинг ахборот ва ҳисоботлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида кўриб чиқиши бўйича тақлифлар киритилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ахборот хизмати

ЭЪТИРОФ

2020 йил 16-17 июль кунлари Самарқанд давлат университетида "Самарқанд давлат университети — Улугбек мадрасаси олиясининг вориси" маъзусида халқаро онлайн конференция бўлиб ўтган эди. Мазкур анжуманда ўнлаб халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва мутасаддилари, дунёнинг нуфузли университетлари ректорлари, таниқли халқаро экспертлар иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирган эди.



Халит Эрен, профессор, ИРСИКА Бош директори: (Туркия)

— Тарих ва бугунги боғлаш йўлида олиб борилган жуда кўп тадқиқотларни кўрганман. Лекин менинг назаримда, энг муҳаммад боғланиш ва узвийлик бу — Мирзо Улугбек олий мадрасаси ва Самарқанд давлат университети ўртасидадир. Тўғриси, бу иланишлар бошланганига салкам чорак аср бўлди. Орадан ўтган вақт тарихий ҳақиқатларни очиб, янги-янги манбалар билан бойитиш, мустаҳкамлаш учун етарли, деб ўйлайман.

Дунёга машҳур ўзбек ҳукмдори ва астрономи Улугбек 1420 йилда Самарқандда мадраса ва Расадхона ташкил қилди. Бу фан ва таълим тарихидаги олтин ютуқ эди. Улугбек мадрасаси улкан салоҳиятга эга таълим муассасасига айланди ва Самарқанд давлат университети тизимида ҳозирги давргача етиб келди. Таълим даргоҳларининг илмий изланишлар ва ўқитиш соҳасидаги аъёнларига ва тажрибаси, асрлар давомида муассасанинг ўзига хос муҳитини сақлаган ҳолда, ўзгарувчан даврларда тараққиёт ва барқарорликка мослашувчанликни рағбатлантиради. Шу маънода, Самарқанд давлат университети мунотос олий таълим даргоҳи ҳисоблангани мадрасанинг замонавий университетга айланишига аққол намуна бўла олади. Бу даргоҳ илм, билим ва таълим узлуксизлигини сақлаган ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги боғлиқлик маъносида.

Марказимиз кўп масалалар қаторида таълим муассасалари тарихини ўрганиш борасида ҳам изланишлар олиб боради. ИРСИКА Ислом ҳақорлик ташкилотининг маданий органи бўлиб 56 аъзо давлатга эга ҳукуматлараро тадқиқот маркази ҳисобланади. ИРСИКА тадқиқот ва нашриёт фаолияти билан ҳам шуғулланади, илмий конгресслар ташкил қилади, исломшуносликнинг барча соҳаларида тарихий ва замонавий маълумотлардан иборат кутубхона ва архивларни юритади, тадқиқотлар олиб боради ва эски китоблар, қўлёзмалар, тарихий асарлар ва меъморий меросни сақлаш бўйича машғулотлар ўтказилади. Турли хил дастурлар орқали Ислом санъатини тарғиб қилади. Илм-фан ва таълим тарихи ИРСИКА фаолият дастурларининг асосий маззурларидан бири бўлиб, ўтмиш ва ҳозирги давр Ислом цивилизацияси доирасидаги илм-фан ва билимларни қамраб олади. ИРСИКА томонидан Ислом оламнинг тарихига, фанлари, олимлари ва таълим муассасаларига бағишланган кўплаб симпозиумлар, илмий ишлар ва маълумотномалар, шу жумладан, биографик ва библиографик нашрлар яратилади. Ушбу тадқиқотлар доирасида мадрасалар ва университетларга тез-тез мунозабат қилинади. Мадрасаларнинг ташкил этилиши ислом таълими тарихидаги энг катта ютуқ бўлиб, бутун дунёда университетларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Кейинги илмий давлатларнинг ҳукмдорлари ҳам олий маълумотга эга, илм-фан ҳомийлари бўлганлар. Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Шимоллий Африка ва Андалузиянинг кўплаб шаҳарларида мадрасалар ва кутубхоналар ташкил этилган. Сўнгги йирик Ислом империяси — Усмонли давлати ҳам йирик мадрасалар барпо этган ҳамда бир вақтнинг ўзида аъён-навий ва замонавий таълим даргоҳларини юритишга ҳаракат қилган.

Ислом оламнинг илмий пойтахтлари ўртасида билимлар алмашуви бўлиб ўтган. Самарқанд расадхонасида тайёрланган Улугбекнинг Зиж жадалли Усмонли астрономлари учун тақвимлар яратишда муҳим қўллама бўлди. Самарқанд география ва астрономия мактаби ислом оламнинг география ва картографияга оид илмийлари учун асосий манбаларни етказиб берди. Қозизода Румий ва Али Қушчи каби Усмонли астрономлари Самарқандда Жамшид Қоший каби ҳамкасблари билан биргаликда ишлаган ва дарс берган. Асрлар давомида мадрасалар жамият ривожига таълим марказлари сифатида ҳал қилувчи роль ўйнаган. У ерда илоҳиёт ва диний фанлар билан бир қаторда математика, геометрия, мантиқ, табиий фанлар, астрономия ва астрология бўйича маърузалар ўқилган. Ислом оламнинг турли минтақаларидаги XX асрнинг бир қатор университетлари олдинги мадрасаларнинг ворислари ҳисобланади. Худди шу каби, замонавий Ўзбекистоннинг таниқли университети бўлган Самарқанд давлат университети ҳам Улугбек мадрасасининг бевосита вориси саналади.

Марказимизнинг фан тарихи бўйича лойиҳалари ва нашрларида Самарқанд расадхонаси ва мадрасаси тўғрисидаги маълумотлар кўплаб келтирилган. 1994 йилда ИРСИКА ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида "Ислом дунёсидаги фан ва технологиялар" мавзусида халқаро симпозиум ташкил этилди. 2004 йилда Самарқанд давлат университети профессори Ботурхон Валихўжаев қаламига мансуб «Улугбек даври мадрасалари» асарининг турк тилидаги нашри ИРСИКА томонидан чоп этилди. Бизнинг Ўзбекистон ҳукумати ҳузуридаги маданият идоралари ва Ўзбекистон университетлари, академик институтлари билан кенг ва фаол ҳамкорлигимиз Ўзбекистоннинг Ислом дунёсида маданият ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш учун кўплаб контекстларни тақлиф қилади.

Самарқанд давлат университети жамоасини юбилей билан самимий табриқлайман. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлигига ўз миннатдорлигини изҳор қиламан.

Мадрасаларнинг ташкил этилиши ислом таълими тарихидаги энг катта ютуқ бўлиб, бутун дунёда университетларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди.

МУНОСАБАТ

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ҚАРОР ИЖРОСИ ҲАМДА ШАҲСИЙ МАСЪУЛИЯТИМИЗГА БОҒЛИҚ



Сарвар БАБАХОДЖАЕВ, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори.

Бугун замоннинг ўзи бизга қайси ташаббус муҳим, қай бирини кечиктириш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқда. Бир неча йиллар аввал турли санъат, мусиқа ва хорижий тилларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёж юқори бўлган. Натижада мазкур йўналишларда таълим самарадорлигига эришишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқ фанлар бўйича мутахассислар вақт ўтгани сайин камайиб борди. Давлатимиз раҳбари аниқ пайтдаги вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда математика, физика, ахборот технологиялари, кимё ва биология каби кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган йўналишларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кеча имзоланган қарорда ҳам аниқ шуну кўришимиз мумкин.

«Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан

натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, республиканинг ҳар бир ҳудудида боққичма-боққич кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та таянч ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Бунда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тасарруфидаги Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати билан ҳамкорлик қилинади. Эътиборли жиҳати, мазкур таълим муассасасини ҳам ушбу мактаблар мақомига мослаштириш назарда тутилган.

Бунинг ўзига эмас, албатта. Юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида ушбу йўналишлар чуқур ўргатиладиган 150 мактаб барпо этилиши, соҳага бўлган эътибор ҳамда таълим тизимидаги ислохотлар қўламини нақадар кенг эканини ифода қилади. Кимё ва биология фанларини чуқур ўзлаштирган, ўз йўналиши бўйича илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш истагини билдирувчи мутахассислар сафи кенгайишига хизмат қилувчи мазкур қарорнинг яна бир муҳим жиҳати мактаблар олий таълим муассасаларига бириктирилади. Яъни, таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларда кимё ва биология фанларини самарали ўқитишни мувофиқлаштириш белгиланмоқда. Умуман, янгиликлар миқёси жуда кенг. Уларнинг барчаси ёшларни халқаро андозаларга мос равишда ўқитиш, юртимизда аниқ фанлар бўйича малакали кадрлар, олим ва профессорларга бўлган талабни қондиришга қаратилган.

Яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаш керак. Қарорга қўра, ишлаб чиқариш тармоқлари учун ўрта бўгин кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш юзасидан кимё ва биология йўналишларига тегишли мутахассисликлар бўйича ўрта бўгин кадрларини тайёрлайдиган 47 та профессионал таълим муассасаларига ишлаб чиқариш корхоналари бириктирилади. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини ташкил этиш, фанларни ривожлантириш учун уларнинг 74 та кафедрасига 11 та Фанлар академияси илмий-тадқиқот институти ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларини бириктириш ҳам режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, бутунлай янги тизим ва янги услублар жорий қилинмоқда.

Бу борада агентлигимиз олдида турган муҳим масала ташкил этиладиган мактаблар билан ҳамкорликни тўғри ташкил қилишдан иборат. Бу орқали тажриба алмашиш, кадрлар малакасини ошириш, ўқувчилар орасидан биология ва кимё йўналишига қизиқиши юқори бўлган ўқил-қизларни саралаб олиш имкони юзага келади. Мазкур фанлар бўйича чуқур ўқитиш ҳудудларида янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озик-овқат саноати тармоқларини жадвал ривожлантиришга туртки беради. Муҳими, буларнинг натижасида халқимиз турмуш шароити ва даромадларини оширишга пухта замин ҳозирлайди.

Агентлигимиз тизимидаги биргина кимёгарлар мактаби билан қўзланган натижаларга эришишнинг имкони йўқ. Шундан келиб чиқиб, мазкур қарор кимё ва биология фанларини ўқитишдаги муаммоларни ҳал этишда дастуруламал бўлади. Зеро, умумтаълим мактабларидаги кимё ва биология фанларини ўқитиш сифати бугунги давр талабларига жавоб бермайди, ўқитиш методологияси ва лабораториялар маънан эскирган, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш механизми жорий қилинмаган. Ушбу муаммоларни ҳал этишга қўлмай, таълимнинг кейинги боққичидаги масалалар ҳам қамраб олинмоқда. Хусусан, ўрта махсус, профессионал, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланиш борасида узвий боғлиқлик, самарали мулоқот ҳамда ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Айтиш керакки, биз бунда ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик масалаларида ташаббус кўрсатишимиз зарур. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, ана шу асосида тизимли ишларни ташкил қилиш лозим. Шунингдек, барпо этилиши кўзда тутилган мактабларга умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасидан кимё ва биологияга лаъқати юқори ўқил-қизларни саралаб олиш керак. Уйлаймики, бу борада соҳа мутахассислари билан кечиктириб бўлмас режаларни ишлаб чиқариш ва амалиётга таъбиқ этишимиз.

Умумтаълим мактабларидаги кимё ва биология фанларини ўқитиш сифати бугунги давр талабларига жавоб бермайди, ўқитиш методологияси ва лабораториялар маънан эскирган, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш механизми жорий қилинмаган. Ушбу муаммоларни ҳал этибгина қолмай, таълимнинг кейинги боққичидаги масалалар ҳам қамраб олинмоқда.

Қонун яратилиши билангина масала ҳал бўлиб қолмайди.

ФРАКЦИЯ АЪЗОСИ БИЛАН СУХБАТ

Дилбар МАМАЖОНОВА:

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИГА БОҒЛИҚ»



Саҳифамиз қаҳрамонлари ҳамиша банд, доим ўзгалар ташвиши билан юрадиган инсонлар. Уларни топиш, суҳбатга вақт белгилаш осон эмас. Аммо Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Дилбархон Мамажонова газетамизнинг фаол муаллифларидан бўлгани учун учрашиш қийин кечмади. У асли Фарғона вилоятидан бўлиб, сўлим водийнинг софдил инсонлари бағрида катта бўлган. Назокат, нафосат, ширинсуханлик пардаси ортида талабчанлик, қаттиққўллик, кучли прода мужассам. Одамларга ёрдам бериш, уларнинг манфаатини ҳимоялаш, мушкулини осон қилиш билан боғлиқ мақсадлари йўлида доимо изланишда...

Ишлаб чиқилган лойиҳада амалда бўлган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонундан принципал тарзда фарқланган ҳолда "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция қоидаларига мувофиқ такомиллаштирилган ҳолда тайёрланмоқда. Хусусан, ногиронлар ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кафолатлари белгилаштирилди. Уларнинг камситилишининг олдини олиш ҳамда жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тенг имкониятлар яратишга қаратилган меъёрлар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан қуйидан қонунчиликка тақлифлар олиш тизими шакллантирилган бўлиб, олинган тақлифлар фракциямиз депутатлари орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юборилди. Утган ярим йил давомида фракция аъзоларимиз томонидан партиянинг сайловолди дастурларида белгиланган вазифалардан ҳамда электоратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади билан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 107 та қонун лойиҳаси бўйича 245 та тақлиф ишлаб чиқилди ва маъсул кўмиталарга тақдим этилди. Кўриб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича фракциямиз томонидан билдирилган тақлифларнинг 114 таси инobatта олинди.

— Ҳар бир инсоннинг касби, меҳнат фаолияти мажбуриятлари билан бирга, оиладаги бурчлари ҳам бўлади. Оилангиз ва ундаги муҳитингиз ўзига хослиги нимада?

— Оила — бу ҳар бир инсон учун бахти ва саодати, орзу ва ҳаваслари, мақсад ва муддаоларини бирлаштирадиган, қувончли ёки мушкул вазиятларда суяна оладиган кичик бир ватан ҳисобланади. Бизнинг бой илмий-маданий меросимиз, қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиздан авни, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисоблангани оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор тараққий этишини аждодларимиз жуда яхши англашган. Ҳар бир давлатнинг ўз бошқарув қонунлари бўлгани каби, ҳар бир оилада ҳам ўрнатилган тартиб-қоидалар бўлиб, эр унда подшоҳ бўлса, аёл вазири ҳисобланади ҳамда аҳил ва инोक оила ўзаро ишонч, мустаҳкам муносабатлар ва меҳр-муҳаббат аталмиш нозик туйғуларга асосланган ҳолда барпо этилади. Мана шундай оилада албатта қимматли фарзандлар вояга етади. Аёл қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар, биринчи навбатда оила бекаси, меҳрибон она. Оилада соғлом муҳитни шакллантира олмаган аёлнинг жамиятда ҳам ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўла олади. Албатта, бундай аёллар юртимизда жуда кўп.

ҚИСҚА САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР:

- 1. Раҳбар қандай бўлиши керак?**
— Раҳбар аввало меҳрибон, талабчан, ҳалол ва ростўй бўлиши керак.
- 2. Депутат-чи?**
— Депутат ўзига ишонч билдирган сайловчилар олдида қардорлигини доимо ёдда тутиши керак. Улар манфаатини ҳимоя қилиш учун фидойи ва албатта билимли бўлиши зарур.
- 3. Меҳнат қилиш ҳуқуқининг иккинчи номи сизнинг талқиниңизда?**
— Яшаш ва жамиятга ўрин топиш, деган бўлардим.
- 4. Хотиржамликнинг ўлчами бўлса, у қандай ҳажмда бўлиши лозим?**
— Хотиржамликнинг ўлчами бўлмайди, лекин керагидан ортиқ хотиржамлик дангасаликка йўл очиб бериши мумкин.

- 5. Депутат сифатида энг биринчи вазифаңиз нимадан иборат, деб ўйлайсиз?**
— Сайловчиларга берилган ваъдаларни охиригача бажариш.
- 6. Таҷриба, маҳорат, ташаббус — мана шу сўзларнинг кетма-кетлигини қандай тузган бўлардингиз?**
— Таҷриба маҳоратга йўл очиб беради, маҳорат ортгани сайин ташаббуслар пайдо бўлади.
- 7. Сиз кутган саволлар берилдими суҳбат давомида?**
— Йўқ.
- 8. Сиздан кейинги суҳбатдошимизга қайси саволни беришимизни истардингиз?**
— Депутатнинг асосий фаолияти нисмалардан иборат, деб ўйлайсиз, деган саволни берадими.
- 9. Хўш, сизнинг ушбу савола жавобиниз...**
— Депутатнинг асосий фаолияти биринчи навбатда ўз сайловчилари билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш ва уларни қийнаб келатган муаммоларга ечим топиш учун курашишдир. Ҳозир замон шиддат билан илгарилар бормоқда. Бу эса албатта, қайсидир қонунларни бугунги замон талабига жавоб беролмай қолшига сабаб бўлмоқда. Ўз вақтида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмаса, муаммолар кўпаяверади. Шунингдек, қонун, қарор, фармонларнинг жойлардаги ижросини мониторинг қилиш ишларида фаол бўлиши зарур.

— Ҳар бир инсоннинг касби, меҳнат фаолияти мажбуриятлари билан бирга, оиладаги бурчлари ҳам бўлади. Оилангиз ва ундаги муҳитингиз ўзига хослиги нимада? — Оила — бу ҳар бир инсон учун бахти ва саодати, орзу ва ҳаваслари, мақсад ва муддаоларини бирлаштирадиган, қувончли ёки мушкул вазиятларда суяна оладиган кичик бир ватан ҳисобланади. Бизнинг бой илмий-маданий меросимиз, қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиздан авни, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисоблангани оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор тараққий этишини аждодларимиз жуда яхши англашган. Ҳар бир давлатнинг ўз бошқарув қонунлари бўлгани каби, ҳар бир оилада ҳам ўрнатилган тартиб-қоидалар бўлиб, эр унда подшоҳ бўлса, аёл вазири ҳисобланади ҳамда аҳил ва инोक оила ўзаро ишонч, мустаҳкам муносабатлар ва меҳр-муҳаббат аталмиш нозик туйғуларга асосланган ҳолда барпо этилади. Мана шундай оилада албатта қимматли фарзандлар вояга етади. Аёл қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар, биринчи навбатда оила бекаси, меҳрибон она. Оилада соғлом муҳитни шакллантира олмаган аёлнинг жамиятда ҳам ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўла олади. Албатта, бундай аёллар юртимизда жуда кўп.

— Дилбар опа, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий муҳофаза, деганда нималарни тушунасиз? Сизнингча, у қандай принципларга асосланиши керак?

— Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий муҳофаза бу, давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳоли, тирикчилик воситалари билан етарли даражада таъминлангани тўғрисида бўлган, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги гамхўрлик ҳисобланади. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини тўғривисиз яхшилашнинг таъминлаш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражаси ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Ижтимоий муҳофаза бу, энг аввало, иқтисодий жиҳатдан барқарорлик, деб биламан. Шунинг учун ушбу масалада бандликни таъминлаш устувор ҳисобланади. Инсон банд бўлиши учун эса аввало, касб-хунари бўлиши, ўқиш-ўрганиш талаб этилади. Демак, бандлик бевосита касб таълим, ўқиш ва билим олиш билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, даромадларнинг кафолатланиши, ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши ўзини ўзи ҳимояси учун хизмат қилади.

Турли мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими ўзига хос услубда олиб борилади. Албатта, бу давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ. Шунингдек, демократик тараққиёт ҳамда унинг аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, ижтимоий таъминот тизими каби омиллар ҳам инobatта олинади.

Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастурларида устувор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида муҳим ҳисобланган вазирият каторига кирди. Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий муҳити яратилди, унга қонуний асос солинди. Ижтимоий ҳимоя тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди. Мамлакатда даромад олишнинг кафолатланиши амалга оширилди. Кенг миқёсда янги иш жойлари яратилиши аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал қилмоқда. Бунда, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, касаначилик кўл келмоқда. Товарлар сифати, аҳолига хизмат кўрсатиш

соҳаларида амалга ошириладиган чоралар билан аҳоли манфаатларини таъминламоқда. Инфляциянинг олдини олиш, сўминг харид кучини сақлаш, бизнес-тикорат устидан давлатнинг маромий назоратини ўрнатиш, маркетинг, савдо, реклама каби

➔ Аёл қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, биринчи навбатда оила бекаси, меҳрибон она.

ларни тартиблантириш ижтимоий ҳимояни ривожлантиришда. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмига пенсиялар, нафақалар ва турли хил имтиёзлар бериш принципларига асосланиши керак.

Хозирги пандемия шароитида аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир марталлик турли маблағларнинг тарқатилиши, озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам ижтимоий ҳимоя, ижтимоий муҳофазанинг яқол қўриниши десак, муболоға бўлмайди. Шунингдек, ишсиз фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандликни таъминлаш ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ёрдамчи даражаси бўлади.

— ХДП ташаббуси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига доир қонун лойиҳаси парламентга киритилган эди. Орадан анча вақт ўтди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳали ҳам қабул қилинмаётгани сабабини билмоқчи эдик.

— Барчага маълум, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Сайловолди дастурида ҳам ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Худди шу мақсадда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан киритилган, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича қизгин муҳокама бўлиб ўтмоқда.

муҳокама ва ўрганишлар давом этаётган экан, бундан икбий натижаларни кутиш лозим. Чунки узоқ йўлаб қилинган ҳаракат эртага албатта аҳоли манфаатларига хизмат қилишига ишонаман.

— Мана, яқинда пойтахтимизнинг марказий кўчаларида кўзи оқизлар ва велосипедчилар учун йўлақлар ётқизилди. Ушбу масалада парламент аралашуви қай даражада бўлди? Айни пайтда ишланаётган қонун лойиҳасида шу каби жиҳатлар ҳам ақс этганими?

— Албатта, ногиронлиги бўлган шахслар муносиб ҳаёт кечирishi учун кўчаларда, жамоат жойларда, бино ва иншоотларга кириш-чиқишда, жамоат транспортдан фойдаланишда ҳам муайян қулайликлар яратилиши лозим. Қонун лойиҳасида ана шу масалалар ҳам эътиборга олинган. Масалан, жамоат транспортларида бундай инсонлар бемалол ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш, жумладан, эшитиш аъзолари заифлар учун ахборот таблоларни ўрнатиш, кўзи оқизлар учун бекатларни эълон қилиш мажбурийлиги белгиланмоқда.

Юртимиз кўчаларида улар учун махсус йўлақчалар бўлиши эса қонун лойиҳасида муҳокама қилинаётган масалалардан биридир. Уйлайманки, тез орада бу каби ўзгаришлар қандайдир ҳаёт тарзимида айланиб, ҳамюртларимизни ажаблантирмай қўяди.

— Шу ўринда қонун ижодкорлигида партиямиз фракцияси иштироки ҳақида ҳам тўхталсангиз.

КАМБАҒАЛ ВА ИШСIZ ФУҚАРОЛАР замонавий касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилади

Манба: ПҚ-4804, 11.08.2020 й. @huquqiyaxborot

- ҚУЙДАГИЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:**
- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Ишга марҳамат" мономарказлари
 - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказлари
 - Тошкент шаҳри туманларида қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари
 - Маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари
 - Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари

Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини таъминлаш асосий инвесторларга, жумладан, қуйдагилар ДАВЛАТ ЕРДАМИ сифатида кўрсатилади:

"Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг бинолари оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли икарага берилади

ўқув дастури ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилади

2021 йил 1 январдан "Ишга марҳамат" мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакаси WorldSkills стандартлари асосида баҳоланади

Битирувчиларга Ўзбекистон ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади

Ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади

Ушбу мақсадлар учун 2020 йилга ажратилган маблағларга қўшимча 150 млрд сўм ажратилади

Ҳар бир ҳудудда камидан биттадан "Энг яхши касбга тайёрлаш дастури" танлови ўтказилади. Танлов ғолибларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2020 йил учун ажратилган маблағларга қўшимча 50 млрд сўм ажратилади.

"Ўзбекистон овози" мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлади.

РАҲБАРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ПАЙТИ КЕЛДИ



Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

тажрибаси"ни кенг татбиқ этиш зарурати бор.

Қайд этилишича, пойтахтимизда "оилавий поликлиника – мобил бригадалар – махсус поликлиникалар – "103" тез ёрдам хизмати" тизимининг узвий ишлаши таъминлаш ҳисобига бир ҳафтада соғайганлар улушини 45 фоиздан 58 фоизга оширишга эришилди. Шу муносабат билан, бир ҳафта муддатда "Тошкент шаҳри таҷрибаси" негизда худудларда симптомсиз беморларни ўз уйида мобил тиббий гуруҳлар ёрдамида уларнинг кўмак ва тавсиялари асосида даволаш тизими жорий этилади.

Яна бир муҳим масала: бугун аксарият шифохоналар корона-вирус инфекциясига чалинган беморлар билан тўлган. Бу эса айрим ҳолларда бошқа хасталиклар билан оғриган касалларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермаёпти. Шу боис йиғилишда худудларда COVID-19га чалинганларни қабул қилиш ва саралаш бўйича марказларни ташкил этган ҳолда, кичик шифохоналарни ўз профилига мувофиқ бошқа турдаги ва сурункали касалларни даволашга қайтариш лозимлиги айтиб ўтилди.

Вакцина сотиб олишга топшириқ берилди

Маълумки, бугун қатор мамлакатлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимларида корона-вирус давосини топиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Россия фармацевтика компаниялари яқин вақт ичида вакцина ишлаб чиқаришни бошлаши ҳақида хабар қилинган.

Шу боис Бош вазир ўринбосарига бир ҳафта муддатда етакчи олимлар ва таҷрибали шифоқорлар билан маслаҳатлашган ҳолда вакцинани харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолиси вакцинациясини амалга ошириш йўллари пухта ўрганиб чиқиш топшириғи берилди.

Маҳалла ходимлари иштироки кучайтирилади

Касалликнинг олдини олиш, корона-вирусга шубҳа бўлган фуқароларни шифохоналарга етказиш, карантин талабларини ташуантириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалланинг ўрни беқасб. Улар бугун ёрдамга муҳтож оилаларга озиқ-овқат, уйда даволанишга тавсия қилинган беморларга дори-дармон етказиб бериш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Айни синовли кунларда уларнинг иштирокини кескин кучайтириш зарурати мавжуд. Чунки халқимиз турли хил масалаларда, биринчи навбатда, маҳаллага муурожаат қилишга ўрганган. Аслида ҳам қайси хонадонда қандай бемор борлигини, кимнинг яшаш шароити қандайлигини, ким ёрдамга, ким врачга муҳтожлигини маҳалла оқсоқоли ва фаолларидан яхши биладиган бошқа одамнинг ўзи йўқ. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар бир маҳаллада йилнинг раислари, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар, маҳалла фаоллари ва нурунийлар, тиббиёт муассасалари ходимларини бирлаштириб, ўз худудидаги аҳоли, айниқса, кексалар ҳолидан қунига хабар олиш, корона-вирусга шубҳа бўлган ва касалликка чалинганларни тез тиббий ёрдам хизмати ва шифоқорлар билан боғлашни ташкил этишга бош-қош бўлишди.

Шунингдек, маҳалла фаоллари аҳолининг зарурат бўлмаса кўчага чиқмаслиги ва тўпланмаслиги, тиббий ниқоб тақиб юриши, ижтимоий масофани сақлаш, туй ва бошқа тадбирларни вақтинча ўтказмаслиги каби мажбурий талабларни доимий тушунтириш ва жамоатчилик назоратини амалга оширишлари талаб этилади.

Сабоқ

— Бугунги синовли кунлар катта-ю кичикка бирдек залворли хулосалар билан бирга, қимматли сабоқлар ҳам бериб улгурди. Ҳаммамиз икки улғур неъмат — саломатлик ва хотиржамликнинг қадрини юрак-юракдан ҳис этдик. Авваллари соғлиғига бирмунча бепарво бўлганлар энди ҳар он ўзини кузатадиган, саломатлигини тафтиш ва таҳлил қиладиган кишиларга айланди. Умуман олганда, корона-вирус пандемияси нафақат инсонлар дунёқарашини, турмуш тарзини, балки бутун дунё иқтисодий эҳтиётини ўзгартиргани айни ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбири раислигида 4 август кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилишича, охириги йиғирма кунда корона-вирусга чалинган беморлар учун уринлар 3,5 баробарга кўпайтирилиб, қарийб 65 мингтага етказилди. Жойларга қўшимча равишда қарийб 800 та тез тиббий ёрдам машинаси етказиб берилди. Қўшимча 4 мингта сунъий нафас бериш ускуналари олиб келиниб, уларнинг сони 6,5 мингтага етди.

Раҳбарлар масъулияти янада оширилади

Очиқ айтиш керак, ҳозирги кунда бутун дунё корона-вирусга қарши уруш ҳолатида турибди. Урушга кирган ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ ўз юртини, ўз аҳолисини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўради. Энг аввало, ҳавф-хатарнинг йўлини беркати, темир интизом ўрнатади. Қатъий сафарбарлик шароитида яшаш ва ишлашга ўтади. Бугун биз ҳам айни шундай ҳолатдамыз.

Афсуски, ўтган давр мобайнида жойлардаги айрим масъуллар, хусусан, сектор раҳбарлари томонидан ушбу жараёнларга панжа ортидан қараш ҳолатлари ҳам кузатилди. Гўёки, бу муаммо фақат соғлиқни сақлаш вақилларига тегишли. Шу фикрда худудлардаги шифохоналар ҳолидан хабар олманган, ўз секторидан қанча касал аниқлангани, нечтаси уйда даволанаётгани билан қизиқиб кўрмаган раҳбарлар ҳам борлиги аниқ ҳақиқатдир.

Эндиликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари корона-вирус ва пневмонияга қарши кураш, даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, шифохонага ётқизилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши белгилангани айрим масъулиятсиз раҳбарлар масъулиятини янада оширади, деб ўйлаймиз.

"Тошкент шаҳри таҷрибаси"

Жойлардаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими ишини янада жонлантириш ҳам кун тартибидеги дозарб масалалардан. Боиси уйда даволанаётган беморларни даволаш, касаллик хавфи бор қаҳирларга махсус гуруҳни жўнатиш масаласи барча худудларда ҳам тўлиқ ечимини топган, дея олмаимиз. Шу сабабли бу борада "Тошкент шаҳри

Ватандошларим, уни ўқинг. Қайта-қайта ўқисангиз ҳам ҳаққингиз кетмайди.



ВАТАННИ ҚАНЧАЛИК СЕВДИМ?



Кўп йиллик педагогик фаолиятим ва кўплаб асарларнинг муаллифи сифатида ўзимни маънавият ва маърифат тарғибчиси, Ватанини севувчи инсон сифатида ҳисоблаб юраддим. Тарихчи олим Амриддин Бердимуродовнинг "Ватан ҳаққига муножот" китобини ўқиб, бу фикрдан сал ҳаддим пасайди ва аксинча, маънавият-маърифатга, унинг дошқозони бўлган Ватанимга муҳаббатим янада ошди, ун чандон мустаҳкамланди.

Авалло, китобнинг ёзиллиш услуби ҳақида икки оғиз. Биринчидан, муаллифнинг Ватан ҳақидаги келтирилган маълумотлари бир-бирдан қизиқ, бир-бирини тўлдириб ва мустаҳкамлаб боради. Иккинчидан, муаллифнинг ҳар бир фикри, Ватан ҳақида бераётган маълумотлари ҳаётий образларда гавдалантирилганлиги, унинг бош марказида муаллифнинг ўзи эмас, сўзи туради. Ватанини севмоқ мавзусида бундай усулда ёзилган китобларни жуда кам учратасиз. Амриддиннинг ушбу китобини Захриддин Бобурнинг "Бобуринама" асарига, унинг ёзиллиш услубига қиёслагим келди.

Китобнинг бошида муаллиф бир касбнинг ёки илмнинг бошини яхши тута олмаган ва натижада Америкага "Грин-кард" ютиб кетган ва уч ерда пил топиб боилган бир йилгитини Ватани ва ватандошларига бўлган беписандлигини кўриб ранжийди. Бошида менга, гўё китоб шундай инсонларга қарата панд-насихат тарзида ёзилгандай кўринди. Кейин билдимки, асосий мақсад ундай эмас. Китоб авваллабор, муаллифнинг ўз Ватанига бўлган муҳаббати, аҳду-паймони, севги-каломидир. Ана шу олий тафаккури, гоёни муаллиф ўша белисанда йилгитта тушунтирмоқ, унинг юрига ўт солмоқ истагани бўлади. Ва муаллиф ўзи билиб-билмаган ҳолда бутун мамлакат халқига, ўзбек миллатига, айниқса, ёшларга Ватанини севмоқ нима учун аймондан эканлигини ёрқин мисолларда, жонли воқеаларда, тарих ва замон кўзгуларида очиб беради, равон баён этади ва Ватан ҳаққига муножот қилади!

Китобда келтирилган асосий гоёлар ва ҳақиқат мазмуни қисқача қуйидагилардан иборатдир.

Ватан Она каби муқаддасдир! Она эса Ватан каби. Инсон онасини бой ёки камбағаллигига қараб эмас, онаси бўлганлиги учун севади. Бас шундай экан, инсон ўз Ватанини бой ёки камбағаллигига қараб эмас, балки тугилиб ўсган Ватани бўлганлиги учун севиши керак. Ватанини севмаслик эса унга хиёнатдир! Ўз ватанини севмаган одам ҳеч нарса сева олмайди.

"Ватан бу – маълум бир ерда яшаган халқлардан авлодларга мерос бўлиб ўтган муқаддас тушундир. Биз яшаётган қулба, қаср, қишлоқ ёки шаҳар ҳам шу тушундан бунёд бўлган. Шу тушунда бизни кўтариб туради, ризқ-рўз беради, вафот этганларни ўз бағрига олади", деб ёзади А.Бердимуродов.

Тўғрисини айтсам, китобни ўқимам чоғи баъзан кўнглим бўшаб, кўзларим намланган. Ҳа, бутун инсоният ва ҳайвонот ҳамда наботот оламнинг тирикчилиги ҳам шу тушунга – ёр билан боғлиқдир. Ҳаёт тушунда, сувсиз бўлмайди. Кимки ва нимаики ерсиз яшай олмас, у шу ер озукиси – сувсиз ҳам яшай олмайди. Барча ер ости ва ер усти бойликлари ҳам шу Ватаникидир. Шунин билангилки, биз севган Она Ватанимизнинг жон томирлари бор. Бу жон томирлар нафакат тушунда, сув, ҳаво ва қуёш, балки ота-оналаримиз фарзандларига, бобо-буваларнинг набира ва эвараларига берадиган ўғитлари, панд-насихатлари ва ҳикматли сўзларидир.

"Ватанини яна бир жон томири, шу Ватанда яшаётганларнинг инсофли, диёнатли, қаноатли бўлиши, бир-бирини қадрлаб, бор куч-гайрати, меҳр-муҳаббатини шу Ватанга бағишлагани, ундан озукча олгани бўлса керак", деб фикр билдирилади мазкур китобда.

"Ватанини навбатдаги жон томири, шу ватандаги эркакларнинг аёлларига бўлган меҳр-муҳаббати, гаумҳурлигидир. Чунки аёлдан айро Ватан йўқ. Аёлларга, онага, опа-сингилларга, амма-хололарга меҳр кўрсатиш Ватанга меҳр кўрсатиш, уни севинишнинг бир туридир. Ватанининг жон томирларининг яна бири – шу заманда яшаб ўтган улуг инсонларнинг буюк хизматлари, улар қолдирган ёрқин хотиралари, миннатдор авлоднинг эса уларга кўрсатадиган

ҳурмат-эҳтиромларидан озукча олишидир. Ва яна ватанининг жон томири, шу Ватан халқининг урф-одатларига, миллийлигига, Ватан шаънига содиқлигига, ор-номусига, ўзга юртларда бўлиб ҳам ўзлигини, ўзбеклигини унутмайдиган ориятли одамларнинг борлигига, оналарнинг аллаларига, халқнинг куй-қўшиқларида, ўлан аёллариди, уларнинг оҳангларидан озукча олишидиган ҳамдир", деб тушунтиради Амриддин Бердимуродов.

Мақдуми Аъзам Даҳабедий, "Ватан – инсон қалбига жойлашган бутун бир мамлакатдир" деб ёзган экан. Бироқ, инсон қандай қилиб ва қай ҳолатда ўз қалбига ўша бутун бир мамлакатни, яъни Ватанини жойлаштира олади? Жавоб: қачонки, у Ватанини дилдан сева. Ҳўш, қачон у Ватанини дилдан сева олади? Жавоб: қачонки, у шу Ватанда ўз бахтини топа олса! Савол: Бахт нима ўзи? Бахт – бу шу Ватанда тугилиб ўсишинг, тарбия ва таълим олишинг, оила қуриб фарзанд кўришинг, соғлигинг ва касби-коринг, меҳнатсеварлигинг, оиланг, касбинг, севишинг, уни ардоқлашинг, қадрига етишинг, садоқатинг, меҳрибонлигинг, майин мулоқотинг ва табассумингдир.

Ватани севмоқ учун унинг тарихини билмоқ керак. Кимки ўз Ватанининг тарихини билса, унинг сарҳадлари-ю, "сиймосини" тасаввур қилса, аждодларининг кимлигини ва улар шу Ватан учун қандай буюк ишларни амалга оширганлини, бизга қолдирган моддий ва номоддий меросини, маданият ва тамадан асосларини, қадрият ва урф-одатларни билса, тушунса ўшандагина ўзлигини, ўз ҳаққини била олади. Ўзлигини, ўз ҳаққини ва Ватан ҳамда ватандошлари олдидagi бурчини билган одамгина Ватанини сева олади! Ватанини севмаган одам ўзини ҳам сева олмайди. Китобни ўқир эканман, Ватан ҳаққига ёзилган муножот, ҳақиқат менда ана шундай гавдаланди.

Ватанини севмоқ иймондир. Нима учун? Амриддин Бердимуродовнинг китоби бу саволга батафсил жавоб беради ва муаллиф ўзи мисолида Ватанини қандай севмоқ кераклигини ҳам бир йўла тушунтириб беради. Ватанини ҳар қим ҳил мадҳ этади. Улар орасида

машҳур шоирларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг олдига тушадиганлари топилмаसा керак. Бироқ, Ватанини наср услубида мадҳ этишда Амриддин қўллаган услуб бутунлай бошқача.

Ватандошларим, уни ўқинг. Қайта-қайта ўқисангиз ҳам ҳаққингиз кетмайди. Мен китобни ўқиб чиқиб, ўйлаб қолдим. Ҳўш, мен бир ижодкор, педагог олим, мезмор, ёшлар мураббийсидир, сифатида Ватанини қанчалик севдим, фуқаролик бурчим кабиими ёки ундан зиёдроқ тарздами? Барчамиз, шоирлар, ижодкорлар, педагоглар, олимлар, арбоблар, ватандошлар Ватанини севмиз деймиз. Шоирлар шеър ёзади, ёзувчилар қисса, роман, олимлар илмий кашфиётлар қилади, тадбиркорлар яратади, бунёд этади... Ҳўш, мен Ватан учун нима қилдим, уни қандай севдим?

Мен мезморчилик сир-синоатларини ёритишга қаратилган 30 га яқин китоб ёздим. 2 нафар фан номзодини, 8 нафар архитектура фанлари бўйича фалсафа докторини тайёрладим. Китобларнинг қай бирларини талабалар учун, бошқаларини эса ўша талабаларнинг ўқитадиган домлалар, мутахассислар учун ёздим. Улар орасида илмий-оммабон тарзда ёзилган оддий халққа, зиёдиларга ҳам мўлжалланган, ўз Ватанини севган, уни улуглаган, Ватанини деб завқ-шавқли ҳамда изтиробли даврларни бошидан кечирган, захмат чеккан улуг инсонларнинг ўз Ватани, халқи учун бажарган улкан бунёдкорлик, шахарсозлик, мезморчилик, эл-юрт ободончилиги, маъмуричилик, бог-истроҳатчилиги, маданият ва санъат, илму

-фан ривожи каби ишларига бағишланган китобларим ҳам бор. Китобларимдаги бу инсонлар Ватанини севишда, уни ардоқлашда, мадҳ этишда ҳаммага намуна бўлган буюк бобокалонларимиз – Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур ва бошқа Темурийлардир.

Менга Ватанини қандай севишни уларнинг ҳаёти, босиб ўтган ҳаёт йули, Ватан учун чеккан захматлари ва хизматлари ўргатган. Улар ҳақида "Алломалар олами", "Улуғбек яратган маънавият", "Бунёдкор Бобурийлар", "Темурийлар маънавияти ва маданияти", "Темурийлар архитектураси тарихи" китобларини ёзиб, ўша асарларим узра менда Ватанини севиш ҳиссиёти туғилди. Булар Ватанини севишим учун биринчи, дастлабки туртки, асос бўлса, иккинчиси, бу Ватанини ўз мутахассислигим, архитектура фани, унинг назарияси ва тарихи, мезморий бинолар типологияси, архитектуравий лойihalаш ва композиция асослари, мезморий шакллар гармонияси, ландшафт архитектураси ва дизайн, бог-паркчилик санъати, мезморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича ёзган китобларим, илмий янгилекларим ва кашфиётларим билан севганимдир. Чунки, менга ана шундай ишларни амалга оширишимга шу Ватан макон ва имкон берди. Ва энг асосийси, меннинг туғилиб ўсган Она Ватаним – Ўзбекистонни том маънода билишим, кўриб ҳис қилишим, уни танишим бўлди.

Ҳа, мен уни ўз кўзим билан кўрдим, унинг қишлоқлари-ю шаҳарлари, кенг далалари, бог-бўстонлари, тоғ-тошлари, сўлим ғўшалари, қўлу дарёлари, сахро-ю кабирлари, қўл-даштлари, сархадларини, энг муҳими, шу Ватанда яшаб меҳнат қилаётган инсонларни, ёш қарияларни, Ватан фидойиларини кўрдим. Улар билан танишдим, дўстлашдим, сўхбатларини олдим. Билдимки, улар мендан яхши одамлардир.

Ва ниҳоят, Ватанини том маънода севиш учун унинг шонли тарихини, қайғули ўтмишини ҳам билмоқ кераклигига алим бўлдим. Мана шунинг учун ҳам, меннинг архитектура тарихи бўйича ёзган асарларим Ватан тарихи билан ҳамоҳанг ва муштарақ ёзилди. Мана шуларнинг барча-барчаси меннинг Ватанимни қанчалик севгимга гувоҳдир. Яна шунинг аянгликини, сен туғилган, сенинг фарзандларинг, аждодларинг туғилиб ўсган, яшаган ва яшаётган Она Ватанини севишни амалда кўрсатишинг, исботлашинг керак экан. Шунда у сепга ўзлигини, чиройини очар ва сенда уни севиш ҳисси пайдо бўлар экан. Амриддиннинг муножотини ўқиб ушбу фикрларни қалбимга такомил этдим.

Амриддин Бердимуродов эссени "Китобимни фақат бир ниётда, табаррук Ватаним – Ўзбекистонни улуглаш ва улуглаттириш, севиш ва севдириш, қадрлаш ва қадрлаттириш учун ёздим", деб тугатади.

Шу ўринда бир таклифим бор. Ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги арафасида "Энг улуг, энг азиз!" танлови ташкил этилади. Мен ушбу китобни мазкур нуфузли танловга қўйлишини ва албатта китоб ва китоб муаллифи ушбу нуфузли танловнинг голиблар сафига бўлишини истаيمان. Зеро, айнан "Ватан ҳаққига муножот" каби китоблар "Энг улуг, энг азиз!" танловига қўйлишини ва эътироф этилишини зарур.

Аҳтам УРОЛОВ,
меъморчилик фанлари доктори,
профессор.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

СПИКЕР ВА ФРАКЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ «ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ» АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги "Ёшлар парламенти"га мамлакатимизда турли соҳаларда фаолият юритаётган 11 мингдан зиёд ёшлар орасидан 250 нафар аъзо сайланди. Жараён демократик тамойиллар асосида, эркин рақобат муҳитида, қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтказилди.

17 август куни "Ёшлар парламенти" аъзоларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ҳамда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан учрашуви ўтказилди. Учрашууда ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларига жалб этиш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш юзасидан янги ва устувор йўналишларни белгилашда уларнинг фаолигини янада кучайтириш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

"Ёшлар парламенти" – шунчаки оддий тузилма эмас, балки ёшларимизнинг сиёсий фаолигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳақиқий майдондир, – дейди Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмомиллов. – Ёшларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини бойитиш, қонун ижодкорлиги қарарига жалб қилиш, қабул қилинган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда Олий Мажлисга ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларига самарали ёрдам беради, деб ишонамиз. Шу ўринда биз «Ёшлар парламенти» фаолиятининг натижаларидан фойдаланиш масаласига ўта жиддий ва катта масъулият билан ёндашган ҳолда, ҳамкорлик қилишга тайёриймиз.

Спикер 12-13 август кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми "Ёшлар 2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусидаги нуфузли халқаро анжуманда "Ёшлар парламенти" аъзоларининг муваффақиятли иштирокини, мазкур форумда «Ёшлар парламенти» аъзолари Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияни қўллаб-қувватлаганликларини алоҳида эътироф этди.

Йиғилиш давомида вилоятлардан саралаб олинган "Ёшлар парламенти" аъзолари уларнинг қизиктирган саволлари ва таклифлари билан фаол иштирок этдилар.

Ў.А.

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

СУД ҚОКИМИЯТИ НУФУЗИ ОШАДИ

У ўтмишдаги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил институтга айланади. Бугунги ислохотлар бунга асос бўлади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Хусусан, қисқа давр ичида ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашган жиноят йўлига кириб қолгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортққ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафиликлари асосида енгилроқ жазолар тайинланиб, улар ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда бузган 60 нафар ҳуқуқ-тартибот органи ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортққча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолганлиги, суд қарорларини қайта кўришининг бир-бирини таққорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташиқил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни таққоз этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлиси

га Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларини изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳоли, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш назарда тутилган.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонни мамлакатимизда одил судлов самарадорлигини оширишга доир ислохотларнинг изчил давоми сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Ушбу Фармонга мувофиқ, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган

ва суд ишларини юришти турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумориқсиз судларини ташкил этиш; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳарида туманларо маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши; Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш белгиланмоқда.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан бошлаб: а) суд ишларини назорат тартибда кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг хал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорларини устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишнинг умумий тартибда кўриб чиқишига тўқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

в) қуйидаги тартибларни жорий этиш; туманларо, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш; апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш;

г) давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш; прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, хал қилув қарори, аж-

рими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чиқиб олиб ўрганиш; қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг қўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этиш тартиби жорий қилинмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби тузилиб, унга инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати бериш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида ҳам янги босқичга ва хизматлар ташкил қилинди. Яъни Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд



раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига оид этилгандаги ҳамда лавозимдан озод этилгандаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик босқичи, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари жорий қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони мамлакатимизда одил судлов самарадорлигини оширишга доир кенг қамровли ислохотларнинг изчил давом этиришга ҳамда суднинг ҳақиқий адолат қарор топадиган мақолига айланishiга хизмат қилади.

Акмал АЛИМОВ,
Ургут туман маъмурий суди раиси.

Айбига иқрорлик бўйича келишув институти жорий қилинадиган бўлди.

ФАРМОНГА ШАРҲ

Шахс дахлсизлиги кафолати янада кучайтирилди



Юртимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган институтга айлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда кўрилган амалий чоралар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини янги bosқичга кўтарди.

Президентимизнинг шу йил 10 августдаги "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, балки бутун халқимиз катта мамнуният билан қўлиб олди. Ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юрйтишнинг барча bosқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ суд-

дартларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш белгиланди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарлиқнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга etkazилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Фармонга кўра, шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз,

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқ-

➤ Фармонга кўра, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддати у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмлар жорий қилиниб, бундай қилмишлар учун жавобгарлик кучайтирилади.

лаш ва баргараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатқўйлик рўҳини шакллантириш механизми жорий қилинади.

Энди тежор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олиш мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади.

Фармонга кўра, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддати у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тежор тадбир амалда якунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлиги белгиланди.

Ушбу ҳужжатнинг яна бир жиҳати таъминлаш бўлиши мумкин эмас. Ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокисига шартли равишда жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чакририш ва сўроқ қилиш тақиқланади.

Ушбу ҳужжатнинг яна бир инсонпарварлик жиҳати ҳам асосан вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарихидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайд.

Фармонда шунингдек, қатор вазифалар ҳам белгиланган. Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

бекстон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ёки муддатига жазо тайинланади.

Шунингдек, жиноят ишини судга қадр юритиш bosқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир қасалиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тартиби жорий қилинади. Ута оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиладиганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланди.

Агар суд тергов вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқи иш бўйича барча тарафларга берилди. Суд тергов вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тарихида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқи барча тарафларга берилмайдиган бўлди. Фармондаги яна бир аниқликка кўра, шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилатганидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Жиноят кодекси Махсус қисмига тегишли ўзгариш киритилган ҳолларда ярашув институти қўллаш тартиби жорий қилинади. Судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳужми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тарихида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартиби ўрнатилди.

Энди шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно), уни гувоҳ тарихида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадр ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш мумкин эмас. Ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокисига шартли равишда жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чакририш ва сўроқ қилиш тақиқланади.

Ушбу ҳужжатнинг яна бир инсонпарварлик жиҳати ҳам асосан вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарихидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайд.

Фармонда шунингдек, қатор вазифалар ҳам белгиланган. Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Шерзод ЭШМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.
Алишер КЕРИМОВ,
халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгаши депутати.



ИИБ ХАБАРЛАРИ

ОЛТИН ИЗЛАГАНЛАР ҚўЛГА ТУШДИ



Навоий вилоятида Миллий гвардия ва ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тежор тадбир натижасида Учқудук тумани "Алтинтоу" маҳалласида жойлашган "Айгул-партия" деб номланган эски олтин қонидан таркибда олтин зарралари бўлган тошларни ноқонуний йўл билан қазиб олаётган Хатирчи туманида яшовчи фуқаролар Т.Ж. ва Ш.М.лар қўлга олинган.

Фуқаро Т.Ж. ўзининг бошқарувидаги "Форд" автомашинасида 17 қолга жойланган 1.264 кг оғирликдаги таркибда олтин зарралари бўлган майда тошларни, фуқаро Ш.М. эса ўзининг бошқарувидаги "Форд" автомашинасида 33 қолга жойланган 1.654 кг оғирликдаги тошларни олиб чиқиб кетаётганида тўхатилиб, ҳолислар иштирокида байнома расмийлаштирилган.

Таркибда олтин зарралари бўлган ушбу тошлар мутахассислар томонидан (1 гр - 604.863,5 сўм белгиланган нархда) текшириб кўрилганда фуқаро Т.Ж. томонидан ўзлаштирилган 1.264 кг оғирликдаги тошлардан 148 гр (89.000.000 сўм) миқдордаги олтин моддаси борлиги, фуқаро Ш.М. дан олинган 1.654 кг оғирликдаги тошлардан эса 234 гр (141.000.000) миқдордаги олтин моддаси борлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Навоий вилояти Учқудук тумани ИИБ ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

УЙИДА ҚИМОРХОНА ТАШКИЛ ҚИЛГАН ШАХС УШЛАНДИ



Бўжа тумани ИИБ ХПБ профилактика инспекторлари томонидан хонадонда қиморхона ташкил қилган шахс «миқдор»лари ва ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

22 июль кўни профилактика инспекторлари томонидан ўтказилган тадбир доирасида «Ўзбеки МҲИДА яшовчи 61 ёшли Б.Э.нинг хонадон кўздан кечирилганда, қонунга хилоф равишда, қолларига, жорий қилинган чекловлар ва карантин қоидаларига амал қилмай 6 нафар шахс пул тибий қимор ўйини ташкил қилганлиги аниқланган. Ушланганлар 50-60 ёш ораллигидаги фуқаролардир.

Суриштирув доирасида хонадон эгаси Б.Э. қимор ўйнаш шартин яратиб берганлиги эвазига ҳар бир ўйиндан маълум миқдорда пул маблағи олиб келганлиги аниқланган.

Ушбу шахслардан қимор ўйнаш учун мослаштирилган ошпақлар ва бошқа анжомлар, шунингдек, 850 АҚШ доллари ҳамда 2.258.000 сўм пул маблағи ашёвий далил сифатида ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

«SMS» ХАБАР ҚОТИЛЛИККА САБАБ БўЛДИ

2020 йилнинг 4 август кўни соат 14:00 да Иштихон тумани "Халқобод" М.Ф.Й. да яшовчи 34 ёшли Ш.Й. ҳамжишони 27 ёшли Н.Б. га телефон қилиб учрашувга чакририб, синглиси 18 ёшли М.Д. га нима мақсадда SMS хабар жўнатиб тинчлигини бузаётганлигини сўрайди. Савол-жавоб жанжалга айланиб кетади. Н.Б. нинг бош қисмига оғир тан жароҳати etkazилади.

Натижада Н.Б. туман тибийёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган. Шифокорлар томонидан кўрсатилган тибий муолажаларга қарамасдан у шифохонада вафот этган.

Мазкур ҳолат юзасидан Иштихон туман ИИБ ҳузурдаги Тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" банди (жабрланувчининг ўлимига олиб келган қасддан баданга оғир шикаст etkazиш) билан жиноят иши кўзга тутилган. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТўРАХОНОВА,
ИИБ ахборот хизмати ходими, лейтенант.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2020 йил 18 июль кўни ўтказилган очик аукцион савдоси натижасида «АСАКА CAPITAL INVEST» МЧЖнинг «PESH TEX INVEST» МЧЖ устас фондидаги 100 фоиз жамият улуши – 40 484 000 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ШТТ филиали балансидаги д/р 017/10БВА бўлган «CAPTIVA» рўсумли автотранспорт воситаси ушбу ташлоқнинг 2020 йил 5 августдаги 47-01-08/222-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

ҚУЙИДАГИЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

- гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг **ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида олиш** (ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно)
- гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у **ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш**
- шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин адвокат билан **холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш**
- **айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш**
- ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиладиганда **ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш**

Жиноят иши суднинг қайси инстанциясида қўриладиганлигидан қатъи назар айблов ярашув институти доирасига тушадиган жиноятга қайта малакаланган ҳолларда **ярашув институтини қўллаш тартиби жорий қилинмоқда.**

Ушланган шахсни, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги маҳкумдан **тиббий кўриқдан ўтказиш**, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини **гувоҳлантириш** уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан



24 соат ичида вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари **тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар** ходимлари томонидан амалга оширилади.

«ОБОД САНГАРДАК» — ЭКОЛОГИЯ БОҒИ

қисқа давр ичида 5 та янги иш ўрни яратди, йил охиригача яна 10 нафар қишлоқ ёшларининг бандлигини таъминламоқчи

Ташаббус бор жойда ривожланиш бўлади. Жамият тараққий этиб, халқнинг турмуш шароити яхшиланади. Бунинг учун кишидан изланиш ва интилиш талаб қилинади, холос. Денов туманининг Ибн Сино маҳалласида яшовчи Абдужаббор Раҳимов ҳам ана шундай замондошларимиздан бири. Янгиликка интилувчан тадбиркор ҳалол меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурматини қозongan. Утган йилнинг баҳорини унинг ташаббуси билан "Обод Сангардак" экология боғига асос солинган. Бунинг учун "Қизилсув" дарёси ёқасидаги 1,5 гектар жингилзорга 400 тулга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ҳозирги кунда улар яхши ривожланимоқда. Асосий мақсад – ички имкониятлардан унумли фойдаланиш ва электоратимиз вакиллари иш билан таъминлашдир.

– Ҳайрига ва зғу ишни амалга оширишда ЎзХДП Денов туман Кенгаши, "Аму-Сурхон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва ҳамкор таши-

лотлар мутасаддилари яқиндан ёрдам беришди, – дейди ЎзХДП фаоли Абдужаббор Раҳимов. – Келажақда мевалар халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминласа, ёғочбо материаллардан кўркам уй-жойлар барпо қилинади.

Ташаббускор партиядошимизнинг яна бир янгиликка қўл ургани қувонарли. У яқин кунларда "Обод Сангардак" экология боғига туташ ҳудудда янги боғ ташкил қилмоқчи. Узунлиги 200 метр, эни қарийб 45-50 метр келадиган бир гектар ташландиқ жой ўлаштирилиши билан помидор ва ерғоқ етиштириш йўлга қўйилади. Қуз ойларидан эса 500 тулга яқин ёнғок, бодом, анжир ва бошқа мевали дарахт кўчатлари экиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Абдужаббор Раҳимов ташаббуси билан қисқа давр ичида 5 та янги иш ўрни яратилган бўлса, йил охиригача яна 10 нафар қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ЯШАШ ОСОН ЭМАС МЕХРИБОНЛАРСИЗ.

ҚИҲГИР ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

«Зал-зала фариштаси»

ёхуд ижтимоий тармоқларда ёлгон маълумот тарқатган блогернинг қилмишлари фош бўлгани хусусида

Сўз – қудратли куч. Глобаллашув жараёнида унинг атомдан ҳам залворли эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шундай экан, айтилаётган ҳар бир сўзга эътиборли бўлиш керак. Аксинча, миш-мишлар хавотир ва ихтиллошнинг келтириб чиқаради, одамларни чагитидади. Қалбларга озор етказиб, тинчлик-тотувлик ва барқарорликка раҳна солиши мумкин. Бироқ чуқур ўйламай ахборот тарқатувчилар ҳамон учраб турибди.

Сарвосиё туманининг «Кончилар» маҳалласида истиқомат қилувчи Дастигул Останақулова ҳам ана шундай ўйламай гапирадиганлар тоифасидан экан. Туман тиббиёт бirlашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлимида шифокор-кардиолог ва Шаргун шаҳар поликлиникасида шифокор вазифаларида ишлаётган «қадриятимиз» ижтимоий тармоқларда «Ҳақиқатчи блогерлар» гуруҳини очиб, «Зал-зала фариштаси» тахаллуси билан фаолият кўрсатиб келаётган эди.

Блогер аёл 2020 йилнинг 2 март куни соат 19:50 ларда интернет тармоғи орқали Узун туманининг «Тожиқобод» маҳалласида яшовчи Боймурод Жўраевга тўхтаб ташларини отади. Яъни, фермер ҳўжалиги раҳбари ўзига тегишли «Далер» фермер ҳўжалигини 165-ҳамда 168-дала контурларидаги ер майдонларини фуқароларга сотганини «достон» қилади. Суви майдонларда чигит экилиши ўрнида уй-жойлар қурилатганию, бунга Узун тумани раҳбарлари эътибор қаратмаётгани айтиб ўтилади.

Шов-шувлар ортидан обрў топялман деб ўйлаган блогер «юриш»ни давом эттиради. Шу йилнинг 24 июль куни соат 8:30 ларда ижтимоий тармоққа «Сурхондарё халқи учун оғир жудолик» сарлавҳали навбатдаги ёлгон хабарни жойлаштирилади. Унда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов вафот этгани баён қилинади... ва оила аъзоларига чуқур таъзия билдирилади.


Хўш, мутлақо асоссиз бундай ахборот қандай ва қаердан пайдо бўлган?

Маълум бўлишича, Сурхондарё вилоят Санитария-эпидемиология осойишталик марказида меҳнат қилаётган нотаниш аёл 2020 йилнинг 24 июль куни эрталаб соат 8 лардан кейин Дастигул Останақуловага кўнгирак қилади. Аввалига у ўз муаммоларини айтган бўлса, сўнгра гўё Сурхондарё вилояти ҳокими оламдан ўтганини маълум қилган. Дастигул Останақулова

эса бу ахборот қанчалик ростлигини текшириб кўришни ҳавлига ҳам келтирмайди. Ёлгон маълумотни дарҳол ижтимоий тармоқ саҳифаларига жойлаштиради.

– Қарийб ўн етти йил «Далер» фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилдим, – дейди Боймурод Жўраев. – 2019 йилдан эътиборан Жўра Эшмирзаев номли сув истеъмолчилари уюшмасида бошқараяпти. Дастигул Останақулова, деган блогер аёлни танимайман. Унга нисбатан ҳеч қандай адоватим йўқ. Аммо унинг фиксу фасоддан иборат уйдирма гапларини ҳазм қилолмайман.

Ижтимоий тармоқлардаги чиқишларидан кейин унга кўнгирак қилдим. Нима сабабдан тўхмат қилаётганини сўраганимда «Мен – халқман!» деб



Дастигул Равшанова ХАҚИҚАТЧИ --- БЛОГЕРЛАР 35 мин. назорат

СУРХОНДАРЁ ХАЛҚИ УЧУН ОҒИР ЖУДОЛИК

ЖУМА КУНЛАР ОХИРАТЛАРИ ОБОД БЎЛСИН ОЛЛОХ РАҲМАТИГА ОЛСИН, ЭЛ ДАРДИДА ЮРИБ ХАЛҚИМ ДЕБ ЁНГАН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТЎРА АКА БОБОЛОВНИ ОХИРГИ МАНЗИЛЛАРИГА КУЗАТАРКАНМИЗ, ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ЎЗ ТАЪЗИЯМИ ИЙЛАМОҚДАМАН САБР САБР АЖРИ САБР ТИЛАЙМАН.



жавоб берди у. Туман ҳокимлиги ва прокуратурасига топшириқ берганию, тез орада тегишли ҳўжатлар қўлида бўлишини ҳам айтиб ўтди. Йигвар блогерни кечирмайман. Унга нисбатан тегишли чора кўриш ва етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириб берилишини сўрайман.

Дарвоқе, яқинда унинг даъво аризаси судда кўриб чиқилди.

– Қилган ишимдан пушаймонман, – дейди Дастигул Останақулова. – Нотўғри маълумот тарқатганим учун Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов ва фуқаро Боймурод Жўраев кечирилишини илтимос қиламан. Ёлғиз она эканлигимни инобатга олган ҳолда энгиллик беришларингизни сўрайман.

Судда ҳолат атрофлича ўрганилган ҳолда Узун туман Маъмурий судининг 2020 йил 24 июлдаги қарори (раислик қилувчи А. Холмўминов) билан айбдор, деб топилган Дастигул Останақуловага Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддаси 2-қисмига асосан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари яъни, 2 миллион 230 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган «Redmi NOTE 9» русумли қўл телефони маъмурий ҳўқуқбузарлик содир этиш қуроли сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ҳар ким эканини ўради, дейдилар. Айтиш мумкинки, тўхтаб ва бўҳтонлардан иборат хабарларни тарқатган блогер аёл ҳам қўлимишига яраша жазоланди.

Блогерлар орасида билимли, ҳолис ва фидойилари оз эмас, албатта. Улар жамиятдаги камчилик ва нуқсонларга қарши фаол кураш олиб боришмоқда. Аммо Дастигул Останақуловага ўшаганлар барча блогерлар шаънига доғ туширади, одамларда уларга нисбатан ишончсизлик уйғотади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ТАХРИРИЯТДАН: Кўни кеча хабардор бўлдик, Сурхондарё вилоят ҳокими даволаниб, ишга қайтибди. Биз унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилаймиз. Ахборот тарқатиш билан шуғулланувчи ҳар биримиз ахборотнинг асосли бўлишига масъул ва жавобгарлигимизни унутмаслигимиз зарур, албатта.



Юртим

Юртим айланайин, ҳаволарингдан, Сочларимни ўйнар тонгинг сабоси. Юракни ўйнатган наволарингдан, Топмадим дунёда сенинг қиёсиг.

Қиёси йўқ ватан тоғингга боқсам, Кўнгил тоғдай ўсар, ўсар буйларим. Дарёингга яйраб гул бўлиб оқсам, Тўлқиндай жўш урар, ёруғ ўйларим.

Богларингга юрсам, турфа мевалар, Кўш нурларини тўхта қилади. Водий гузаллигин сўзлар шевалар, Шевангда сўзласам юзинг кулади.

Ҳар бир уйда ўсар турфа дараклар, Барглари байроқдай хилпираб турар. Ҳар бир уйда меҳнат яшар – бараҳдлар, Меҳнат билан инсон яна барқ урар.

Барқ уриб яшашни ҳаддини олсанг, Атрофингда бўлса дўстлар занжири. Кимнингдир қалбида ўт бўлиб ёнсанг, Кўксингга босганча соғинг ханжарин.

Сени соғинсалар худди сен каби, Соғинчиг дунёни тутиб турганда. Ватан деганимда кўйганда лабинг, Юрак фақат ватан дея урганда.

Юртим яшайман, жамолингга маст, Мендай сўрайверар, ташлаб кетган кас. Она қалби билан кўтараман даст, Оғир-енгиллигинг меники абас.

Эй, дарёдил Ватан

Юрагим оқиб, оқиб турар жойим, Ҳавлим сен томон учоди қушдай. Юрагимни ёқиб, ёқиб мулойим, Тунларим оромсиз кўраман тушда.

Онам кучоғидан илк бора тушиб, Ер босганим-жоним она маконим. Отамнинг дўпписин бошимга кийиб, Юрагим-серуруғ ота маконим.

Дунёдаги серсув сойларга тўла, Ариқда сувлари оқар жимиллаб. Худойим ҳам суйган жойларга тўла, Дарёси оққушга тўлар лимиллаб.

Лимиллаб оқади оби-кавсарим, Бу сувлар кўқартиб кўяр дунёни. Оққушлар чарх урган кўкйиб, ёвшаним, Ким келса унутар гамини, риёни.

Жоним қийналганда офтобда куйиб, Муздек сувларингга бўламан банди. Эй, дарёдил ватан, онамдек суйиб, Отамдек, меҳрингни менга тўққандинг.

Ҳар бир гиёҳингда ватан суварти, Ҳайрат богларингда ўсади гулим. Эй, менинг ватаним, жоним жаннати, Остонамда кутар, райхон-жамбилим.

Боглари меванинг испарига гарқ, Боглари гулларнинг бўласан банди. Кузинг бунча гузал, гузалим эй, шарқ, Ҳар шохда шакарлар дил шодасидир.

Дарёнинг шамоли эсавер майин, Сочларимни сила, юзимни сила. Сена айланаман бир кўни тайин, Шамол, сув, тупроқман дилда силсила.

Отамни, онамни тупроққа бердим, Кўз ёшимга тўла ҳар бир зарраси. Акам, яқинларим шу ёққа бердим, Йигладим, саноққа етмас карраси.

Яшаш қийинлашар боргани сайин, Яшаш осон эмас меҳрибонларсиз. Ватаним, гузалим, тупроғинг майин, Ўлсам, кучоғингга ол, шуҳрат, шонсиз!

Дилбар БОНУ

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узок масофали радиоэлектрон алоқа воситалари, радиостанциялар, радиоаппаратлар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

| | |
|---|--|
| Ташкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69. | Наманган шаҳри, Маргилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72. |
| Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65. | Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80. |
| Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66. | Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79. |
| Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68. | Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67. |
| Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75. | Фарғона шаҳри, Б.Маргилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74. |
| Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78. | Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77. |
| Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69. | |

АРХИВ ҲУЖЖАТИ

Маъмур ноб ҳўжат 1888 йилга оид бўлиб, Андижон вилояти давлат архивининг 231-сон Андижон темир йўл почта-телеграф бўлими фонди, 1-сон рўйхатида қайд этилган бўлиб, 144 та варақдан иборат почтанинг келиши ва кетиши китобидир.

Ушбу қўйд қилиш китоби почтани келиши ва кетишини ҳисобини олиб борувчи ҳўжат бўлиб, унда почтани юбрувчидан қабул қилувчининг манзилига етказиб беришда от қўшилган арава билан аравакаш ва почтальон орқали амалга оширилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Маъмур ҳўжат 1888 йил 11 декабрь куни янги Маргилон почта-телеграф идораси томонидан варақлари рақамланган, шундан улар муҳрланган. «Узархив» агентлиги Ахборот хизмати

Самарқанд давлат университети жамоаси география фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан arbоби **Лапас АЛИБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати, 6-сонли ўрта таълим мактаби директори **Назира УРАҚОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви фонд вазийлик кенгаши аъзоси Мухтор Усмоновжаевга турмуш уртоғи **Мунира УСМОНҲУЖАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Agroinnovatsiya» жамғармаси жамоат бирлашмаси жамоаси ташкилотнинг ижрочи директори Қўбилжон Адиллова онаси **Назира АДИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краномани-пуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры. ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

MUASSIS: Bosh muharrir Safer OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

| | | |
|-------------------|------------------------|----------------------|
| Ulug'bek INOYATOV | Qalandar ABDURAHMONOV | Hayotxon ORTIQBOYEVA |
| Ulug'bek VAFOYEV | Guliston ANNAQILICHEVA | Toshemir XUDOYQULOV |
| Mahmud TOIR | Muslihidin MUHIDDINOV | |

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 851. 1884 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 19:10.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6